

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг руҳий соғлигини текширувдан ўтказиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

руҳий соғлигининг ҳисобини юритиш, унинг текширувдан ўтказилишини ташкил этиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз вақтида кўриш мақсадида психиатрия хизматини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

вожлантириш, малакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин: даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта аниқлашни ташкил этишнинг вертикал яхлит тизимини шакллантиришни таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали бошқариш механизмининг жорий этиши;

ОБОДЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

18-19 март кунлари бутун мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади



Хашар халқимизда меҳр-оқибат, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ўзаро беғараз ёрдам каби инсоний фазилатларни тараннум этувчи азалий қадрият ҳисобланади.

Асрлар оша ота-боболаримиз хашар йўли билан улкан бунёдкорлик, қурилиш, ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш, шу жумладан, маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар, муқаддас қадамжолар, хонадонларни саранжом-сарийшталаш, турли хил дарахт ва гул кўчатларини экиш каби хайрли ишларни амалга оширган. Ижтимоий ғимояга муҳтож оилаларга беминнат ёрдам кўрсатилган.

шарқона янги йил – Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилаётган ойлик доирасидаги хашарга вилоятимиз аҳли, хусусан, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳудудий бўлинулари, Ёшлар иттифоқи муносиб тарафдор кўришди.

Маълумотларга кўра, ушбу тadbирда шаҳар ва туманларимиздан бир миллион нафардан зиёд аҳоли иштирок этиши кутилмоқда. Унинг 650 миң нафардан ортигини ёшлар ташкил этади. Хашар кунлари қарийб 950 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга



оширилади. 900 километрдан зиёд узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, беш юздан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристонлар тартиб келтирилади. Бир ярим миңга яқин махсус техника воситалари ёрдамида қарийб 1 миң 200 тонна маший ва қурилиш чиқиндиси белгиланган жойларга чиқариб ташланади. Тураржой масивлари ва маҳаллалардаги миңга яқин дарахтларга шакл берилди. Икки миллиондан ортиқ мева ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилиши кутилмоқда.

Шунингдек, ойлик доирасида гуманитар соҳада ҳам бир қатор тadbирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, ижтимоий ғимояга муҳтож икки миң нафардан, шундан 600 нафардан зиёд ногирон ва ёлғиз кексаларга ҳомийлар томонидан мурувват ёрдами кўрсатилади. Бир ярим миңга яқин кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари тadbирланади. Ушбу мақсадларга икки юз миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Таълим

Маърифатпарвар боболаримиздан бири: "Дунё иморатлари ичида энг улуғи – мактабдир", деган экан. Дарҳақиқат, илм, маърифат дунёни дунё, инсонни инсон қилиб турган, қадру баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб, тенглаб бўлмайдиған маънавий хазинадир.

ДАРС ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚА ДАВОМ ЭТАДИ

бирок унинг маърифати умрга татийди

Қувонарлиси, бугун юрти- мизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича хайрли қадамлар ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг таълим тизимида қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши таълим сифатини жаҳон андозаларига мувофиқ янги, илғор босқичга кўтариш, соҳа фидойилари меҳнатини муносиб баҳолашга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Соҳадаги ҳаётбахш ислоҳотлар ҳавоси вилоятимиздаги 870 га яқин умумий ўрта таълим муассасаларига ҳам кириб бормоқда. Бу борадаги ишлар, қўламли дастурлар, навабатдаги мақсад ва вазифалар ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шукур Бурхонов қуйидагиларни гапириб берди.

— Аввало, вилоят халқ таълими тизимида кейинги пайтлар бир мунча ижобий ўзгаришлар бўлиб келди, таълим-тарбия сифати бўйича рейтинг кўрсаткичлари республикада 8-ўрндан 5-ўринга кўтарилганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Ш. Бурхонов. — Бу кўрсаткич жуда қониқарли бўлмаса ҳам, олдинда интилиш бўлганининг тасдиғи, дейиш мумкин. Бунда қайси жиҳатларга эътибор қаратаёلمиз?

Дастлаб, вилоятимиздаги 93 та таъмирталаб мактабларни қайта ҳатловдан ўтказдик. Уларнинг 40 тасини 2018 йилдаги инвестиция дастурига киритиш учун ҳужжатлар тайёрланиб, ҳокимликнинг тегишли котибиятларига тақдим қилинди. Бундан ташқари, яна 38 та таълим муассасаларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Президентимиз вилоятли-

ТЕЖАМКОР МАҲСУЛОТ ХАРАЖАТНИ КАМАЙТИРАДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги "Spart sistem" масъулияти чекланган жамиятида газ горелкалари ва мукаммал хавфсизлик системасига эга сув иситиш қозонларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилганига кўп бўлгани йўқ.



Шунга қарамай, 20 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада юқори сифатли материаллардан тайёрланган маҳсулотлар, хусусан, горелкалар бозорда ўз ўрнини топди.

— Ушбу қурилмалар замонавий технологияларга асосланиб яратилган, — дейди корхона раҳбари Жалолддин Абдуллаев. — Сифати давлат стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради. Муслаамалар — горелкалар сув иситиш қозонлари учун мўлжалланган. Унинг афзаллиги шундаки, газнинг сарф-

ланиши тежалади, ёнғин хавфсизлиги тўлиқ таъминланади. 40-90 градусга бўлган ҳароратни бир маромда сақлаш хусусиятига эга. Маёбод, бир йил ичида қурилмада бирор носозлик юзага келса, уни бепул таъмирлаб беришни ўз зиммасига олганмиз.

"Spart sistem"да кенг турдаги газ қозонлари ҳамда бошқа иситиш қурилма ва техникалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Узхриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

ДАРОМАД ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТОПШИРДИНГИЗМИ?

Бўка туманида вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва янгиланган ҳамда жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш мавзусига бағишланган тadbир ўтказилди.

Дарвоқе

"Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий асослари" деб номланган ушбу тadbирда мазкур бошқарма ва ҳудудий солиқ инспекциялари масъул ходимлари, солиқ тўловчи жисмоний шахслар, тadbиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тadbирда Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макрoқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарориде белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақ-

га ҳақ тўлаш, мулкрий, моддий наф тарзидаги даромадлар ёки бошқа манбалардан қўшимча даромад олган ҳолларда ушбу даромад тўғрисида декларация тақдим этилади.

Соҳага оид шу каби масалалар ҳақида фикр алмашилган тadbир давомида иштирокчилар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ ва қисқача жавоб олишди.

Бундай тadbирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

2018 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмонда!



Давоми 2-бетда >>>

Давоми 2-бетда >>>

